

**** Катъий нарх тарифи тўлови** (абонент тўлови) - ой давомида инкассация орқали топширилган нақд пул тушуми миқдоридан келиб чиқиб хизмат ҳақи тегишли катъий белгиланган нархга асосан аниқланади. Бунда ой давомида миқсозга бориладиган чекланган қатновлар сони жадалнинг 6-устунида белгиланган.

Миқсоз буюртмасига асосан чекланган қатновлар сонидан ташқари ҳар бир қўшимча қатнов учун ҳақ ой давомида инкассация орқали топширилган нақд пул тушуми миқдоридан келиб чиқиб жадалнинг 5-устунига мувофиқ аниқланади.

***** Қатнов тарифи тўлови** - ой давомида инкассация орқали топширилган нақд пул тушуми миқдоридан келиб чиқиб тегишли қатнов нархини ой давомида миқсозга бориладиган чекланган қатновлар сонига мос равишда (жадалнинг 6-устунида) кўпайтириш йўли билан аниқланади.

Барча тарифларда дам олиш (якшанба) ва байрам кунлари учун ҳақ ушбу шартноманинг 3.1. банди 5 устунига мувофиқ 2 баробар миқдорда ҳисобланади. Бунда ой давомида инкассация орқали топширилган нақд пул тушуми миқдоридан келиб чиқиб тегишли қатнов нархи миқсозга дам олиш (якшанба) ва байрам кунлари борилган қатновлар сонига кўпайтириш йўли билан аниқланади.

Шунингдек, бир ойлик белгиланган қатнов сонидан ташқари қўшимча қатнов учун ҳақ ушбу шартноманинг 3.1. бандидаги тарифнинг 5-устунида кўрсатилган миқдорда тўланади. Бунда ой давомида инкассация орқали топширилган нақд пул тушуми миқдоридан келиб чиқиб тегишли қатнов нархи миқсозга борилган қўшимча қатновлар сонига кўпайтириш йўли билан аниқланади.

****** Бир ойлик чекланган қатновлар сони** - миқсоз томонидан ой давомида инкассация орқали топшириладиган нақд пул миқдоридан келиб чиқиб бир ойлик чекланган қатновлар сони белгиланади.

3.2. Кўрсатилган инкассация хизмати учун “Буюртмачи” ва “Бажарувчи” ўртасидаги ҳисоб-китоблар ҚҚС билан тўловнинг 5000000сум (Бес млн. сум) тарифида амалга оширилади.

(Танлаб олинган Тариф тури кўрсатилади)

3.3. Агар “Буюртмачи” ушбу шартноманинг 3.2. бандидаги танлаб олган тарифидан бошқа тарифга ўтмоқчи бўлса, у бу ҳақда “Инкассация хизмати”га кейинги ой бошланишидан 15 кун олдин ёзма равишда муурожаат қилади.

3.4. Бир ойлик белгиланган қатнов сонидан ташқари қўшимча қатнов кўрсатилган инкассация хизмати учун ҳақ ушбу шартноманинг 3.1. бандидаги тарифнинг 5-устунида кўрсатилган миқдорда тўланади.

3.5. Дам олиш ва байрам кунлари кўрсатилган инкассация хизмати учун ҳақ ушбу шартноманинг 3.1. банди 5 устунида кўрсатилган тарифнинг 2 баробари миқдорда ҳисоб-китоб қилинади ва тўланади.

3.6. “Буюртмачи” кейинги ой учун 15 фоииз миқдорда бўнак (аванс) пули тўлаб беради. Бўнак (аванс) пули ўтган ойда кўрсатилган инкассация хизмати ҳақининг 15 фоиизи миқдорда ҳисобланиб, бўнак (аванс) пули кўрсатилган хизматлар учун тақдим этиладиган ҳисоб-фактурада акс эттирилади.

3.7. “Буюртмачи” “Инкассация хизмати” томонидан тақдим этилган тўлов талабномасини ва ҳисоб-фактурани олган кундан 5 (беш) иш кунидан кечиктирмаган ҳолда тўловни амалга оширади.

3.8. Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонларига асосан Республикада меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдори оширилган вақтда хизмат ҳақи қайта кўриб чиқилади.

4. Тарафларнинг жавобгарлиги.

4.1. “Инкассация хизмати”:

4.1.1. Нақд пул тушуми солинган инкассатор сумка (қоп)лари бут сақланиши учун “Буюртмачи” олдидаги жавобгарлиги инкассаторлар пуллик инкассатор сумка (қоп)ларини қабул қилиб олган вақтдан бошланиб, “Банк” вакилига топширган пайтда тугайди.

4.1.2. Инкассатор сумкаси (қоп) ва унга қўйилган пломба бут бўлган тақдирда “Инкассация хизмати” инкассатор сумкаси (қопи) ичидаги пулнинг бутлиги учун “Буюртмачи” олдида моддий жавобгар бўлмайди.

4.1.3. “Инкассация хизмати” “Буюртмачи”нинг буюртмасини ўз вақтида бажармаса, ҳар бир кечиктирилган кун учун “Буюртмачи” томонидан “Инкассация хизмати”га ўтган ойда тўлаб берилган хизмат ҳақи суммасининг 0,4 фоиизи ҳисобидан, аммо бир ойлик тўлов суммасининг 50 фоиизидан ортиқ бўлмаган миқдорда пеня тўлайди.

4.2. “Буюртмачи”:

4.2.1. Кўрсатилган хизматларга ўз вақтида ҳақ тўланмагани учун “Буюртмачи”, “Инкассация хизмати” фойдасига ҳар бир кечиктирилган кун учун тўланиши лозим бўлган сумманинг 0,4 фоиизи ҳисобидан, лекин тўланиши лозим бўлган сумманинг 50 фоиизидан ортиқ бўлмаган миқдорда пеня тўлайди.

4.3. “Банк”:

4.3.1. “Буюртмачи”нинг ҳисоб рақамига инкассация хизмати орқали топширилган пул тушумини ўз вақтида тўлиқ ва тўғри ўтказилишига масъулдир.

4.3.2. Инкассатор сумка (қоп)лари банк айби билан яроқсиз ҳолга келса ёки йўқотилган тақдирда банк “Буюртмачи”га инкассатор сумка (қоп)лари қийматини қоплаб беради.